

Тиббиётнинг муҳим бўғини

Жамият таркибида 12 дорихона, 122 шохобча мавжуд. Максус жиҳозланган “ISUZU” русумли изометрик автофургон ҳамда 8 “Damas” автомобили ёрдамида чекка ҳудудлардаги аҳолига дори воситалари етказиб берилмоқда.

- Хизмат кўрсатиш сифати ва дори воситаларини сақлаш шароитини янада яхшилаш мақсадида жойларда замонавий дорихоналар, омборхоналар, логистика марказлари барпо этилмоқда, – дейди вилоят “Дори-дармон” акциядорлик жамияти раиси ўринбосари Иброҳимжон Комилов. – Жумладан, яқинда Кўқон шаҳридаги фармацевтика омборхонаси мукаммал реконструкциядан чиқарилиб, халқаро талабларга мос ҳолда фойдаланишга топширилди.

манба:iza.uz